

Ф) препарати қўшилган озиқа муҳитида улар ҳосил қилган колони-ялар диаметри мос ҳолда 37,5-71,0 мм ва 29,5-45,5 мм бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Тутнинг фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғ турларига юқоридаги препаратларни таъсирини ўрганиш бўйича лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар натижасида "Максим" препаратининг 1,5 мл/л ва 2,0 мл/л ҳамда "Органика Ф" препаратининг 0,25 л/л меъёри ишлатилган вариантларда замбуруғ турларининг бирортасини ҳам ўсиши қайд этилмади.

Хулоса. Сурхондарё вилоятининг тут плантацияларидаги фу-

зариоз касаллигига чалинган намуналардан *Fusarium* туркумига мансублари ажратиб олинди.

Тутнинг фузариоз касаллигига қарши уруғдорилигич "Максим XL" фунгициди қўлланилди.

Тутнинг фузариоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларга қарши уруғдорилигич препаратларининг таъсири ўрганилган.

**Норматов Баходир Исмоилович,
Зупаров Мирақбар Абзалович,
ТошДАУ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Билай В.И. Фузариоз. -Киев: Наукова думка, 1977. - С.1-439.
2. Гончаренко Л.К. Заболевание корневой шейки шелковицы мерыс ней// Материаль научного совещания по тутоводству и защите шелковицы от болезней и вредителей. Тбилиси, 1968. С. 36-36.
3. Гогелия И.Ф. Болезнисемян и всходов шелковицы и разработка мер борьбы с ними /Автореф. канд. дисс. -Тбилиси: 1974. 20с.
4. Гвинепадзе М.Ш. Фузариоз шелковицы, биология основного возбудителя увядания побегов. (*F.lateritium*Nees) и меры борьбы с ним в условиях Грузии /Автореф.канд.дисс.-Тбилиси:1977.-21с.
5. Запрометов Н.Г. Болезни шелковицы. -Ташкент:Гос.Изд-во УзССР, 1953. - 99с.
6. Шералиев А. Видовой состав грибов рода *Fusarium* Lk ex Fr. на шелковицы в Узбекистане и меры борьбы с основными возбудителями болезни фузариозного увядания /Автореф. кад. дисс. -Ташкент: 1980. -19 с.
7. Шералиев А. Тутнинг фузариоз касаллиги. -Тошкент: ФАН, 1992. -107 б.
8. Чантурия Н.Н. Мучнистая роса шелковицы в Грузии и обоснование мер борьбы с болезнью// Материалы научного совещания по тутоводству и защите шелкопряда от болезней и вредителей. -М.: 1968. С.35-36.

УЎТ: 634.21:632.7:632.34

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

БАРГ ШИРАЛАРИНИНГ МАВСУМИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг тупроқ-иклими шароитидаги ўсимликларнинг вегетацияси, мавсумий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда дарахт шираларининг биоэкологияси, шунингдек, шираларга қарши ўтказиладиган кураш чоралари бир-бирига ўхшаш бўлиши ва уйғунлашган тарзда олиб бориш чоралари таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари шираларга қарши курашнинг йил мавсумига бевоқиф боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар берилган.

Аннотация. В статье говорится о том, что в почвенных условиях Ташкентской области в не зависит от вегетационного периода развития растений и изменяющихся по сезонам условий, биоэкологические особенности развития тли и меры различных видов борьбы с ней были схожи.

Калит сўзлар: Оғиз аппарати, миграция, физиологик ва биокимёвий, галлар, уйғунлашган..

Барг ширалари тўда-тўда бўлиб яшовчи майда ҳашарот ҳисобланади. Улар ўзининг санчиб сўрувчи оғиз аппарати ёрдамида ўсимликларга ёпишган ҳолда ширасини сўриб ривожланади. Танаси тухумсимон овал ёки чўзинчоқ, одатда, орқа томони дўн (қабарик) бўлади. Устки қопламалари юмшоқ, нозик, баъзан сирти чангсимон ёки тукча шаклидаги мумғубор билан қопланган. Танаси яшилдан кўнғир тусгача ўзгариб боради, баъзан пушти ёки бинафша рангда товланиб туради. Тухумлари ялтироқ қора ва чўзинчоқ овал шаклида. Ширалар оталанган тухум ҳолатида мева дарахти новдаларида ва танасида қишлаб чиқади.

Эрта баҳорда ўсув даври бошланиши билан қишлаб чиққан тухумлардан личинкалар пайдо бўлади, улар озикланиб, тирик туғувчи урғочи етук шира даражасигача ўсиб етилади ва жуфтлашмасдан кўпаядиган янги авлодлар пайдо бўла бошлайди. Мавсум давомида 15-17 тагача ана шундай авлод вужудга келади. Улар оммавий учиб кўпайган пайтларда барг ва ўсувчи ёш новдалар ширасини сўриб, мева дарахтларига жиддий шикаст етказилади. Шира тушган барглари буришиб, шаклини йўқотади, ранги ҳам ўзгаради. Кўпинча барвақт сўлиб, тўкилиб кетади.


Новдалар қинғир-қийшиқ бўлиб қолади, бир меъёрда ривожланмайди ва пишиб етилмайди. Ширалар кўчатзорлардаги кўчатларга ва ёш дарахтларга сезиларли даражада зарар етказилади. Улар ўсимликнинг турли қисмларида озикланиб, кўпинча уларнинг устини ўзидан чиқарган ёпишқоқ шира билан қоплайди.

Бундай шира тушган дарахт қисмларида сапрофит замбуруғларнинг ривожланиши учун қулай муҳит бўлишига олиб келади. Шу тариқа шира тушган барча барг ва новдалар ассимиляция қобилиятини йўқотади, ўсишдан тўхтади ва кўпинча куриб қолади. Шираларнинг баъзи турлари мавсум давомида миграция (кўчиб ўтиш) йўли билан ўзи озикланадиган ўсимликни ўзгартиради. Бу эса асосан озикланиш шароитининг ёмонлашуви билан боғлиқ. Баҳор ойининг охири ёзнинг бошларида бошқа дарахтларга кўчиб ўтадиган қанотли урғочи ширалар пайдо бўлади. Улар оралиқ ўсимликларига учиб ўтади ва у ерда личинкаларни тирик туғиш йўли билан ёзги авлодларини беради. Кузда ана шу кўчиб ўтган ширалар орасида яна қанотлилари пайдо бўлади, улар асосий ўсимликка қайтиб келади. Ўсимлик шираларининг кўчиб юрмайдиган турларида ҳам қанотлари пайдо бўлади, улар шираларни

янги жойларга тарқалишига ва янги зарарлаш ўчоқларини вужудга келтиришга хизмат қилади. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, уруғли мева дарахтларида яшайдиган ўсимлик ширалари данакли мева дарахтларида учрамайди. Нок ва олма дарахтларининг бир қанча кўплаб ширалари бор, аммо олма учун зарарли бўлган турлар нокка шикаст етказмайди. Олча ва гилоснинг бошқа данакли мева дарахтлари каби умумий ширалари йўқ. Шунингдек, олхўри, тоғолча, ўрик, шафтоли ва бодом дарахтлари бир турдаги ўсимлик ширалари билан зарарланади. Уруғли мева дарахтларида кўпинча ўсимлик шираларининг қуйидаги турлари яшайди:

Олма яшил шираси, олманинг пушти ранг шираси, нокнинг зарарли шираси.

Июлдан бошлаб кузгача дарахтларда ўсимлик ширалари камайиб кетади. Ўсимлик шираларини камайитиришда йиртқич ва текинхўр ҳашаротлар-хонқизи кўнғизлари, олтинкўз, сирфид пашшалари ва бошқа фойдали ҳашаротлар катта аҳамиятга эга (1-расм).



А-хонқизи; Б-сирфид пашшаси олма баргида; В-олтинкўз имогоси; Г-олтинкўз личинкаси.

1-расм.

Кўпинча йиртқич ва текинхўр ҳашаротлар қисқа муддат ичида жуда кўпайиб кетиши натижасида ўсимлик ширалари шу қадар кескин камаядики, уларга қарши махсус кураш чораларини қўллашга ҳам ҳожат қолмайди. (А.Ш.Ҳамроев ва бошқалар-1995)

Тошкент вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари, ўсимликларнинг вегетацияси мавсумий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда дарахт шираларнинг ҳаёти февралнинг охиридан январь ойига қадар давом этади. Ширалар ҳаётини тиним даври 55-60 кунга етади.

Барг шираларининг миқдор зичликларини ортишида баҳорги-ёзги ва кузги-кишки муддатлари билан фарқланади. Тошкент вилояти шароитида ҳашаротларга қарши кураш чораларини қўллашнинг энг қулай муддатлари апрел ойининг 2-3-декадаси ва октябрнинг иккинчи ярмига тўғри келди (2-расм).

Кучли зарар етказувчи ширалар мавсум давомида ниҳоятда кўпайиб озуқа ўсимликларига жиддий зарар етказади. Айнан шу гуруҳ шираларнинг кўпчилиги мевали дарахт ва буталарда яшаб, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Ўртача даражада зарар етказиши мумкин бўлган ширалар қулай экологик шароит юзага келгандагина жуда ҳам кўпайиши мумкин. Якка ёки сийрак тўдаларни ҳосил қилувчи ширалар ўсимликларга кучсиз зарар етказади, уларнинг озикланиши натижасида рўй берадиган физиологик ва биокимёвий



ўзгаришлар дарахтларда кузатилмайди. Ширалар учун мевали дарахтлар нафақат озуқа манбаи шунингдек, яшаш ва кўпайиш жойи сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан “паразит-хўжайин” муносабатлари тизимида бу ҳашаротлардаги морфоэкологик мосланишларнинг барчаси уларни озуқа ўсимлигида яшаш ва ундан унумли фойдаланишга ихтисослашиш белгиси сифатида шаклланган. Ширалар озуқа ўсимликларида эгаллаган яшаш жойлари билангина фарқланиб қолмай, ҳар бир тур ўзига хос яшаш тарзи билан ҳам ажралиб туради. Айрим ҳолларда ширалардаги бу хусусият турларни бири-бирдан фарқлашда энг асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қилади. Галларда яширин ҳаёт кечиришга ихтисослашган ширалар ташқи муҳит таъсирларини кушандалар тажовуздан бутунлай

химояланган бўлиб, қулай шароит туфайли қисқа муддат ичида кўпайиб сонда кўпая олади. Ярим яширин ҳаёт кечиришга мослашган ширалар таъсирида барглар бироз эгилиши ёки сохта “галлар” ҳосил бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто, барглар нисбатан юқори даражада бужмалоқланганда ҳам ширалар колониялари билан ташқи муҳит орасидаги тўғридан-тўғри муносабат сақланиб қолади. Аралаш типдаги яшаш тарзига эга бўлган ширалар ярим очик эгилган баргларда ва новда учларида яшайди.

Дарахт шираларига қарши ўтказиладиган умумий кураш чоралари қуйидагилардан иборат:

1.Олдини олиш учун ташкилий-хўжалик, механик, агротехник ва кимёвий чоралар;

2.Кимёвий усул сифатида кеч куз ёки февраль ойининг охири март ойида препарат №30 ёрдамида ёппасига ишлов бериш;

3.Биологик химояга эътибор қаратиш. Бунинг учун табиатдаги афидофаглар учун қулай шароитлар яратиш, олтинкўз ва хонқизини кўпайтириб тарқатиш, хавфсиз инсектицидлар ишлатиш.

Бу тарздаги чоралар бир-бирига ўхшаш бўлиб, уйғунлашган тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Х.М.ШУКУРОВ,
Н.У.МАВЛОҶОВА,
У.АБДУЛЛА ЎҒЛИ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Вредители сельскохозяйственных культур и лесных насаждений. I-том. «Урожай». Киев. 1987. С- 200-204.
2. Давлетишина А.Г. Морфология, систематика и биология тлей хлопчатника /Тр. ИЗИП АН УзССР. 1956. Вып 7. с. 4-28.
3. Ҳамроев А.Ш. ва бошқалар “ФАН”. Тошкент. 1995. 63-64 б.
4. Хўжаев Ш.Т “Navroz” нашриёти. Тошкент. 2013. 289-290 б.